

Шукрулло ака мен учун салкам афсонавий одам. Усмон Носирни кўрган, Абдулла Кодирий билан сухбатлашган, Гофур Гуломга шогирд тушиб, кеча-ю кундуз етагида юрган, Ойбек, Абдулла Каххорлар билан кадрдан бўлган, Хамид Олимжон, Зулфия опалар билан “сан”лашиб гаплашиб хайикмаган одамни афсонавий демай нима дейиш мумкин. “Жавохирлар сандиги”ни ўқиган пайтларимда 6-7 синфдаги гўдак бола эдим, Шукрулло ака эса оксокол шоир хисобланарди, хозир мен тенггиларни невараси бор, Шукрулло ака эса халиям кирчиллама йигитдай, тикилиб караса эсанкираб коласиз. Гурзидал гаплари, довдиратади. Лекин жуда марокли. Мароклилигининг сабаби, Шукрулло ака кейинги юз йиллик адабиётнинг тирик комуси! Бу киши тенгги 90 га кирган чоллар нафаканинг вактида келмаслиги, неварааларнинг шовкин – сурони, уйку камлиги хакида гапиришдан нарига ўтмай, ўз машнати билан ўзи овора бўлиб колади. Шукрулло акада эса, хаммаси аксинча! Ташки хаётдан бошка ташвиши йўк! Осмон токига чикиб олиб, юз йиллик адабиётни юз йилдан буён кузатиб ўтиргандай. У киши гапирган сари тарих тарих эмас куни кечаги воеадай ёнингизга якинлашаверади, афсонавий одамлар замонавийлашаверади. Бир сафар бобони зиёрат килиш учун у кишининг хонадонига кизим Махфузা билан бордим. Кизимга дунёда шундай одам борлигини ўзи кизик туюларди. Шукрулло ака хар канча куйиниб, жиддий ва бироз пўписа билан гапирмасин, ёнма-ён ўтирибмиз-у, кизим учун Шукрулло ака гоятда гаройиб кашфиёт эди. Кизим Шукрулло ака билан газетага сухбат уюштиромокчи хам бўлди. Газетанинг йўналишидан келиб, факат адабиёт, шеърият хакида фикр олмокчи сиёсий, ижтимоий мавзулардан бироз четлаб ўтишни истарди.

- Нима сиёсатсиз адабиёт бўладими? Оммани дарди бўлмаса, газетанинг оммабоплиги каерга боради?! Бизнинг колоклигимиз шунда! Бу ахволда кетаверсак савиямиз пасайиб кетаверади. Мана, мени неварааларим хам афанди. Бувам, шеър ёзадилар деб, катта гулзорни ўртасига хонтахта кўйиб, жой безатибдилар. Нима эмиш, шоир гулзорда ўтирса илҳом келармиш. Одамнинг юрагида дарди бўлмаса илҳом келмайди. Шоир одамларнинг дарди билан яшайди. Шоирни халкнинг хаёти илҳомлантиради. Замоннинг азоб – укубати шоирнинг кўлига калам тутади. Шоирни гулзорда ўтириб, шеър ёзадиган одам деб тушунманглар. Шунингдек, сизнинг хам газетангиз гулу – гулзор хакидаги гаплар билан тўла бўлса, бундай газетанинг кимга кераги бор!
- Сиз давримизнинг улуг шоирисиз. Шунинг учун сухбатимиз кўпроқ шеърият хакида бўлса эди деб ўлагандим..
- Кани, нима саволлар кўтариб келдинг. Савол берувчи жавоб берувчидан кўра кўпроқ нарсани билиши керак. Яъни, кимга кандай савол бераётганини, нима учун бераётганини, нима учун бу саволни айнан шу одамга бераётганини билиши керак. Яъни кимга нима савол бераётганини билса, бирор максад билан, бирор мушохада, бирор фикр билан бераётган бўлади. Агар хаётда фикр бўлмаса тараккиёт бўлмайди. Очидан очик фикр алмасишимиз, кўркувни олиб ташашимиз керак. Биз вахимасиз яшайлик, фикр алмаша олайлик. Фикр килсагу, эртага бирор – бирор – чакиб кўйса, деган кўркув турса хеч канака тараккиёт бўлмайди.

Бизнинг буюк келажагимизни ким яратади? Акл яратади-ку! Масалан, 50 - йилларда энг тараккий этиб кетган давлат Япония бўлган, нима билан, акли билан, илми билан. Биринчи патефон игнасини чикарган. Бутун дунёга сотган. Кейин ривожланиб кетган. Шунинг учун жўяли саволларинг бўлса беравер, шунда мендан бирор жўяли жавоб

чикиб колар.

Кизим албатта савол – жавобга тайёр эмасди. Чунки, максадимиз газетага интеръю олиш эмас, шунчаки мен Шукрулло акани яхши кўрардим, юрагимда бу инсонга нисбатан меҳрим хамиша жўшиб туради, сухбатларимиз узок – узок давом этар, адабиётимизга жон курбон килиш даражасидаги фидоийлиги хамиша лол колдиради. Кизим, Шукрулло аканинг кўпгина шеърларини ёд олгани учун, ўзимга хамроҳ килгандим. Менда ўзи шундай одат бор. Фарзандларимни музейларга, зиёватгоҳларга тез – тез олиб бораман. Шукрулло акани зиёрат килиш, кайси музейни зиёрат килишдан кам?! Колаверса, Шукрулло аканинг уйига дунёнинг юзлаб машхур ёзувчи – шоирлари келган-ки, Тошкентда бундай хонадонлар бармок билан санарави. Уларни нома – ном санасангиз, бир китоб бўлади. Бундай хонадондан ортиқ зиёратгоҳ борми?!

Шукрулло ака кизимни шошиб колганини, ўзини оқлаш учун нимадир демокчи бўлаётганини кўриб, хеч киси йўқ дегандай кулиб кўйдилар.

- Мана, сен хам Мухаммаджонинг хонадонида катта бўляяпсан. Куш уясида кўрганини килади. Тарбия болаликдан, деган гап шу. Оилада олинган тарбиядан улуг тарбия йўқ. Менинг хам уйимда хамма саводли эди. Отам кори бўлган. Онам отинойи бўлиб, маҳалламиз кизларини ўқитган. Уйимиизга муаллима келиб, дарс берарди. Абдулла Тўқай шеърини айтиб онам бешигимни тебратган. Отам, тинимсиз равишда кулогимга “Субхонолло”ни куярди. Менга китоб, ота – онамнинг ўзлари бўлишган. Болалигимда Амир Умархоннинг шеърларини ўкиш, ёд олиш урф эди. Тошкентнинг энг юкори мартабали кори-ю муфтийлари йигилишиб хатми Куръон ўкишар, хадисхонлик килишарди. Мен ёш бола эдим. Кўчада ўйнаб юрсам, отам: - Уйга кир. Бу сухбатларни эшит, - дея насхат киларди. Муомала маданияти кандай бўлиши кераклигини ўшанда ўрганганман. Одамларнинг бир – бирига хурмат – эҳтиромини ўшанда кўрганганман. Ўша болаликда кўрганларим бир умр юрагимда муҳрланиб колди. Онам шеъриятга мухабbat уйготган бўлса, ва бунинг учун хатто камалиб кетганимда хам пушаймон емаган бўлсам, аксинча битмас – туганмас баҳт – саодатга эриштиргани, шеъриятга ошно этгани учун сўнгги нафасимгача онамдан миннатдор бўлсам, менга дўст бўлишни, одамлар билан муомала килишни, меҳмонновоз бўлишни ўргатгани учун отамдан бошим ерга етгунча миннатдорман. Мен, болалигимда, оиласидан шу тарбияни олдим. Сен хам, Мухаммаджонни оиласида улгаяётган экансан, албатта бирор яхши фазилатни юктириб ол. Оиладан кўра улугрок тарбия масканни йўқ.

Одам илм олиши керак, кўпроқ китоб ўкиши керак. Бир кун Гофур Гулом билан кечкурун кетаяпмиз. Озгина кайфим бор. Гофур ака китоб магазини олдида тўхтадилар. “Дўкон берк” – деб судрасам, Гофур ака, “Хой эмчининг ўғли, отам эмчи бўлганлари учун, у киши мени шундай деб чакирадилар, хозир икковимиз хам гуноҳ иш килганимиз, кел, деразадан бўлса хам, мана шу китобларга озгина тикилиб турайлик, зора савоб бўлса, гунохимиз тўкилса! – дейдилар. Гофур ака, китобни шу даражада улуглардилар. Институтни битирди дегани, илм олди дегани эмас. Илм халқ манфаати учун ишласа, у хакикий илм. Институтни битириб, тирикчилигимни йўлга кўйволай деб, пора олишни минг бир йўлини ўйлаб топса, бундай маънавиятни кимга кераги бор. Илмига амал килмаган одам, устига китоб ортилган эшакдир. Биринчи халқ манфаатини эмас, ўз манфаатини ўйлаган одам – илмсиз, жохил одамдир. Мен. Бу гапимни Кодирийлар, Чўлпонлар камалган пайтда хам айтганман. Мана, институтда ўкиб юрган пайтларимда 1939 йилда ёзган шеърим:

Вужудимни айлагин тилка  
Вижденимни сотмайман.  
Халк дардини жойладим дилга  
Ўлимдан хам кайтмайман.

Ушбу шеър газетада босилиб чиккандан сўнг, сўрокка чакиришди. “Халк дардини жойладим дилга” дебсан, совет халкини дарди борми, гамда яшайдими, совет турмуши тарзидан норозимисан, ўлимдан хам кайтмайдиган бўлдингми, халкни отаси Сталин, халкни у ўйлайди, сен кимсан, сен халк душманисан, дея сўрок килишганда хам, тонмаганман, мен шоирман, халк дарди билан яшайман, деганман. Лекин, миллатни севиш дегани миллатчилик дегани эмас.

Биз ўзбек миллатини севардик, шу билан бирга ўзга миллатларга хам мухаббат билан карадик. Биз, Расул Хамзатов, Давид Кугилтинов, Мирзо Турсунзода, Берди Кербобоев, Кайсин Кулиев, Андрей Тихонов, Константин Симонов, Чингиз Айтматов, Абдужалил Нурпейсов, Аали Тўкамбоев барчамиз дўст эдик, ва бир – бирилизни хурмат килардик. Адабиётлар дўстлиги хозирги кунда хам давом этиши керак. Бошка халклардан ажралиб колишнинг оқибати ёмон бўлади.

Миллатчилик туфайли яхудийлар диндан кайтдилар. Пайгамбар алайхиссалом дунёга келишларидан илгари яхудийлар, “Хали бир пайгамбар келади, биз унга ёрдамчи бўламиз деб даъво килар эдилар. Лекин Оллоҳ пайгамбарни яхуддан эмас, араб кавмидан чикарганда булар бирдан тўнларини тескари кийиб, кофир бўлдилар, Оллоҳнинг энг макбул дини – улуг ислом динидан юз ўғирдилар.” Мана миллатчилик кандай залолатга бошлайди.

Адабиётни хам мана шундай миллатчилик туйгуларидан саклаш керак. Адабиёт умуминсоний, умумбашарий бўлиши керак. Ўз миллатингни севиш туйгуси ўзга миллатларни камситиш эвазига бўлмаслиги керак. Колаверса адабиётнинг юраги бу – инсондир ! Мана, совет доврини бош мавзу килиб олганларни хамма китоби, совет даврига кўшилиб кўмилиб кетди. Чунки, совет адабиётнинг бош қаҳрамони, инсон эмас, совет мафкурасининг ижрочиси образи эди, аникроги совет мафкурасини инсон киёфасига киритиб, кўз бўямачилик килиш эди. Мана, хаммаси йўқ бўлди. Менга, бор анаву тўкувчи хакида роман ёзиб кел, деб буйруқ беришиди, ёзсанг фалон пул мукофот оласан дейишди, ёзмадим. Бор, фалон чўлкувар хакида ёз, китобинг фалон минг нусхада чикади, дейишди, ёзмадим. Менинг асарларимда хамиша бош қаҳрамон инсон бўлган. Мана, шунинг учун хам, киркинчи йилда ёзган асарим, бугун яна кайта нашр килинайпти, олтмишинчи йиллардагиси хам, саксонинчи йиллардагиси хам.

Чунки, менинг қаҳрамоним, тўкувчи, механизатор, слесар эмас, инсон! Инсоннинг дарди, ўй – хаёллари, орзулари юз йил ўтса хам, даврлар ўзгарса хам, тузумлар, замонлар ўзгарса хам, ўзгармайди.

Менга, сен нега совет шоири бўлатуриб, советларни мактамайсан, советларга хизмат килмайсан дея, кўп маротаба ёкамдан олишган. Сен бизнинг тузимизни еб тузлигимизга турираяпсан, хароба ерларингни обод килаяпмиз, саводсиз, оми халкингни саводли килаяпмиз, ёввойи одамларни маданийлаштираяпмиз, сен нега бизга куллук килмайсан,

каерда бўлсанг захрингни сочиб, бизга карши гапирасан, бўйсунмайсан, сени камаш керак, халк душманини ўглисан, дейишарди.

Мен, уларга Фиръавн хам Мусога мен сени бокиб катта килганман, дерди. Бошларингга бир кун албатта фиръавннинг куни тушади, дердим.

Мусони етим бўлиб, ота – онасиз яшашига, сандикда окишига, бир умр ота – онасиз, ака – укасиз, етимликда, хору – зорликда яшашига Мусо сабабчи бўлса-ю, яна “сани мен бокиб катта килаяпман” деб миннат килса албатта алам килади-да. Совет хукумати хам худди шу фиръавнга ўхшарди. Ўзбек юртини босиб олиб, мен сизларни бокаяпман дерди. Бизнинг зиёлиларимиз, маданиятимизни йўқ килиб, биз сизларни саводли килаяпмиз, дерди.

Мана, охир окибат совет хукуматининг бошига фиръавннинг холи тушди...

Кизим безовта бўла бошлаган эди у бу гапларни газетага ёзиб бўлмаслигини яхши тушунарди. Менинг хам хаёлларим чилпарчил бўлганди. Шукрулло аканинг шиддат билан гапириши, важохати, тутокиб кетишлари, гоҳо ўшкириб, гоҳо зугум билан тасдиклатиб олишлари, олис йиллар талабалар ёткхонасида, адабиётга эндинина кериб келаётган чоғларимизда адабиёт “тахти” учун бир – биримизга гап бермай, бир – биримизни тан олмай, бир – биримиздан баланд эканлигимизни ошкора намойиш килишга шайланган кўрс ва беаёв даврларимизни, ёш шоир бўлишимизга карамай тонггача гижжалалиб чикадиган кунларимизни ёдимга тушириб юборганди.

Шукрулло акани кўрган одам, XX асрнинг алгов – далговли тўксон йилини босиб, XXI асрда хам бетакрор асарлар ёзаётган, асарлари дунё халкларининг элликдан ортиқ тилларига таржима килинган, Осиё, Африка, Лотин Америкаси, Европа халклари адабиёт ихлосмандларидан юзлаб хатлар олиб турган, качонлардир китоблари юз минг нусхада чоп этилган ва беармон яшадим дейишга тўла хакки бор машхур адиб каршимда турибди деб ўйламасди. Каршимизда адабиётга эндинини кириб келаётган ёш ва жангари, шиддатли ва ёркин истеъдод эгаси турарди. Ва биз ундан енгилмас куч, гайрат, эркин рух олгандик. Ватанга, адабиётга муҳаббат сабогини олгандик.

Шукрулло aka билан хайрлашар эканмиз, ховлига экилган гулзорга кўзимиз тушди.

Гулзор ўртасида, кичкина айвонча ва унга ўрнатилган хонтахтани кўрдик. Бу хонтахтага Шукрулло аканинг бир марта хам бориб ўтирганига ишончимиз комил эди. Шукрулло aka ўз ўрнини гулзор ичиди эмас, одамларнинг юрагидаги тахтда деб биларди. Ва у ўз муҳлислари юрагидаги тахтни хакикатдан хам эгаллаганди.

Муҳаммад Исмоил